

«Тасдиқлайман»
“Олмалиқ КМК” АЖ Бош
Мұхандиси – Башқарув
районнинг биринчи ўринbosари



Абдукадиров А.А.

« 04 2022 й.

Чирчик шаҳри ҳудудида жойлашган “Олмалиқ КМК” АЖ
ташқилотлари ишчи-ходимларини даврий тиббий қўриқдан
ўтказиш бўйича 2022 йил учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Олмалиқ ш. -- 2022 й.

1. Кўрсатилаётган тиббий хизматнинг номи ва мақсади:

1.1. «Олмалиқ КМК» АЖ ишчи-ходимларини даврий тиббий кўрикдан ўтказиш (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 200-сонли буйрги, 10.07.2012й.):

Чирчик шаҳридаги «Олмалиқ КМК» АЖ ташкилотларининг ишчи-ходимлари сони (НМ ва ҚҚ ИЧБ ИИЧБ-644 киши, АТБ 1-автобазаси-7-автоколониаси-35 киши, НМ ва ҚҚ ИЧБ ИИЧБ техник назорат хизмати-35 киши, ИҲҚҲ-90 киши, НМ ва ҚҚ ИЧБ ИИЧБ МАЛ-23 киши) – 827 киши (шундан аёллар – 257 та), шулардан 29 киши (шундан аёллар - 29 та) йилига 2 марта тиббий кўрикдан ўтади. Натижада, умумий тиббий кўриклар сони 856 та ни ташкил қилади.

«Олмалиқ КМК» АЖ ишчи-ходимларини даврий тиббий кўрикдан ўтказишнинг асосий мақсади, қўйидагилардир:

- касб касалликлари ва касбий заҳарланишларнинг профилактикаси, баҳтсиз ҳодисалардан огоҳ бўлиш ва уларнинг олдини олиш, юқумли ва паразитар касалликларнинг ишчи-ходимлар орасида тарқалиб кетишини бартараф қилиш;

Даврий тиббий кўриклар “Олмалиқ КМК” АЖ га хизмат кўрсатувчи даволаш профилактик муассасалари (тиббий санитар қисм) томонидан, агар улар бўлмаган тақдирда ташкилот жойлашиган жойдаги худудий даволаш – профилактика муассасалари иштироқида танлов асосида ўтказилади.

2. Лойиҳани амалга ошириш учун “Бажарувчи” ни жалб қилишта асос бўлган месъёрий хужжатлар:

- Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси, 214-банд;
- Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуни (№410, 24 банд, 22.09.2016й.);
- “Фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 17, 30 бандлар;
- “Мехнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш бўйича намунавий Низом”, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 14.08.1996 йил 273-сон билан рўйхатдан ўтказилган;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйргига мувофиқ тасдиқланган «Ходимларни тиббий кўриклардан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ»
- “Штатные нормативы работников учреждений здравоохранения республики Узбекистан”, 10.11.1997, №06-1/650V (“Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари штат месъёрлари”, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазири томонидан 10.11.1997 йил, №06-1/650V - сон билан тасдиқланган), *хўжасат рус тилида нашир қилинган*;
- «Временные штатные нормативы медицинского, фармацевтического и прочего персонала районного (городского) медицинского объединения», от 16.05.2016г., №06-3/496, (“Гуман (шахар) тиббиёт бирлашмаларининг тиббий, фармация ва бошқа ходимларининг вақтинчалик штат месъёрлари”, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазири томонидан 16.05.2016 йил, №06-3/496 - сон билан тасдиқланган), *хўжасат рус тилида нашир қилинган*;

3. “Буюртмачи” талабларидан келиб чиқсан холда, “Бажарувчи” дан талаб қилинадиган хизматлар ҳажми, бажариладиган ишлар рўйхати ва уларни асослаш:

«Олмалиқ КМК» АЖ ишчи-ходимларини даврий тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича:

- касб касалликларининг дастлабки белгиларини аниқлаш, заарли омилларнинг кейинги таъсирини ва патологик жараённинг ривожланишини тўхтатиш чораларини кўриш;
- заарли меҳнат шароитларида ишни давом эттиришга тўсқинлик қиласидиган умумий (янги ортирилган) касалликларни аниқлаш;
- баҳтсиз ҳодисаларни олдини олиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ишчи-ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва юқумли касалликларни олдини олиш мақсадида касалликларни аниқлаш;
- ишчи-ходимларнинг соғлиги холатининг динамик мониторинги (кузатуви);
- тиббий кўрик натижалари бўйича индивидуал даволаш-профилактика тадбирларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш ташкилотларида касб касалликларининг олдини олишга қаратилган

соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириш.

**Даврий тиббий кўриқдан ўтказиладиган ишчи-ходимлар сони
(тор мутахассисли шифокорлар бўйича)**

№	Тиббий хизмат номланиши	Ишчи – ходимлар сони
1	Профпатолог кўриги	827
2	Терапевт кўриги	856
3	Хирург (жарроҳ) кўриги	827
4	Неврапатолог кўриги	827
5	Психиатр кўриги	118
6	Отоларинголог кўриги	827
7	Дерматовенеролог кўриги	827
8	Офтальмолог кўриги	827
9	Акушер-гинеколог кўриги	286
10	Кардиолог кўриги	420
11	Ўпканинг рақамли флюорографияси	29
12	Умумий қон таҳлили	827
13	Умумий сийдик таҳлили	827
14	ЭКГ	415
15	Кўкрак қафаси рентгеноскопияси	827
16	Сийдик таркибида симоб ва қўрғошинни аниқлаш	36
17	RW реакцияси	29
18	Кўкрак қафаси рентгенографияси	827
19	Ҳаракат – таянч суюкларининг рентгеноскопияси	56
20	Лейкоформула	827
21	Билирубинни аниқлаш, АЛТ+АСТ	29
22	Кўз ички босимини аниқлаш	396
23	Аёллар кўриги (сарф материаллари)	257
24	Анализ Hbs Ag га анализ	29
25	Суртма олиш (аёллар)	257
26	ИФА анализ (ВИЧ)	-
27	Тиббий бланкалар ва канцелярия	827

4. Тиббий хизмат кўрсатиш жойи:

- даврий тиббий кўриклар “Олмалиқ КМК” АЖ га хизмат кўрсатувчи даволаш профилактик муассасаси (тиббий санитар қисм) да, “Олмалиқ КМК” АЖ ихтиёридаги ташкилот биноларида (Ўзбекистон Республикаси ССВ СанҚвам талабларидан келиб чиқсан холда), комбинат ташкилотлари тиббий таянч пунктларида ёки ташкилот жойлашган жойдаги худудий даволаш – профилактика муассасасида ўтказилади.

5. Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш шартлари:

«Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

- даврий тиббий кўрикларни ўтказиш учун санитар меъёрларига жавоб берадиган бино ажратиш;
- даврий тиббий кўрикларни ўтказиш учун ажратилган бинони қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар билан жиҳозлаш;
- тузилган шартнома шартларига мувофиқ тиббий хизматлар учун олдиндан тўловни амалага ошириш;

«Буюртмачи» “Бажарувчи”нинг иш графигидан келиб чиқсан холда сутканинг исталаган вақтида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини текшириш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга;

Бу ерда албатта, “Буюртмачи” нинг кўрсатмалари “Бажарувчи” учун мажбурийdir.

«Бажарувчи» нинг мажбуриятлари:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғига мувофиқ тасдиқланган «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги» Низомга мувофиқ, комбинат ташкилотлари ишчи-ходимларини дастлабки ва даврий тиббий кўрикларини ўтказиш учун малакали шифокор мутахассисларнинг иштирок этишини таъминлаш;
- ҳисобот ойида кўрсатилган хизмат учун ҳисобварак-фактураларни, бажарилган ишлар бўйича далолатномалар ва ҳисботларни кейинги ойнинг 5-кунига қадар “Буюртмачи”га тақдим қилиш;
- “Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимлари орасида санитар-оқартув ишларини олиб бориш;

6. “Буюртмачи” томонидан тайёрланган ва тасдиқланган Техник топшириқдаги кўрсатиладиган тиббий хизматнинг мураккаблигидан келиб чиқсан холда, “Бажарувчи” га қўйиладиган талаблар:

- техник таклифнинг (шартнома шартларининг) техник топшириқ талабларига мослиги;
- даволаш - профилактик муассасасининг Тошкент вилояти худудида пуллик хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи маҳсус рухсатномаси ёки ССВ томонидан берилган лицензияси борлиги;
- техник топшириқни бажариш учун таклиф қилаётган товар (иш, хизмат) техник параметрларининг мавжудлиги: ташкилот ишчи-ходимларига кўрсатилаётган тиббий хизматларни касбий қайта тайёргарликдан ўтган, ўз мутахассислиги бўйича малакасини оширган тиббий ходимлар томонидан амалга оширилиши;
- даволаш – профилактика муассасасининг фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгиловчи Низомининг мавжудлиги (тиббий фаолияти ва кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг техник топшириқ талабларига мос келишини аниқлаш мақсадида);
- бажарилаётган ишларни амалга ошириш давомида, тиббий хизматларининг сифатли олиб борилишининг «Бажарувчи» томонидан кафолатланиши;
- ташкилот ишчи –ходимларига кўрсатилаётган тиббий хизматлар малакали тиббий ходимлар томонидан тасдиқланган график бўйича ўз вақтида бажарилиши;
- тиббий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисоблари Ўзбекистон Республикаси «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 1-илова матни иловага мувофиқ тузилиши лозим.

-даволаш профилактика муассасасининг ушбу турдаги тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббий асбоб-ускуналар (УТТ, ЭКГ ва х.к) бўйича лицензияси (гувоҳномаси, рухсатномаси) бўлиши;

- ташкилот ишчи–ходимларига кўрсатилаётган тиббий хизматлар малакали тиббий ходимлар томонидан тасдиқланган график бўйича ўз вақтида бажарилиши;

7. Хизматларга қўйиладиган талаблар:

-«Олмалиқ КМК» АЖ ташкилотлари ишчи-ходимларини даврий тиббий кўрикдан ўтказувчи тиббий комиссия таркибиға қўйидаги шифокор мутахассисларни жалб қилиши лозим: терапевт,

невропатолог, офтальмолог, психиатр, дерматовенеролог, отоларинголог, акушер-гинеколог, хирург, кардиолог и профпатолог (Согликни Сақлаши Вазирининг 200-сонли бўйруғи, 10.07.2012 й.);

-тиббий кўрикларга сарфланадиган материал нархлари Ўзбекистон Республикасидаги бюджет (бозор) нархларига мос келиши керак;

-тиббий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисоблари Ўзбекистон Республикаси «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 1-илова матни иловага мувофиқ тузилиши лозим.

-тиббий кўрикнинг ҳар бир ўтган босқичлари якунида “Буюрмачи” га тиббий хизматлар тўғрисида ҳисобот тақдим қилиш.

8. Кўрсатилаётган тиббий хизмат ва бажарилаётган ишлар муддати:

-кўрсатилаётган тиббий хизмат ва бажарилаётган ишлар муддати шартнома кучга кирган вақтдан 31.12.2022 йилгacha қилиб белгиланади;

-даврий тиббий кўрикларнинг бошланиши ва якунланиши саналари тасдиқланган календар жадвалига мувофиқ “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан келишиб олинади (1-илова).

9. Кўрсатилаётган тиббий хизмат, бажарилаётган ишлар ва уларнинг натижаларини қабул қилиши ва тошириши тартиби:

“Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимларини даврий тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича:

- “Бажарувчи” ҳар бир даврий тиббий кўрик босқичи тугагандан сўнг, “Буюртмачи” га худудий санитария-эпидемиологик ободонлаптириш марказлари, ташкилот раҳбарияти ва маъсул мутахассислари (бош мухандис, ММ ва ТХ мутахассислари) билан келишилган ҳолдаги бажарилган ишлар далолатномалари ва ҳисботларини, аниқ тақлиф ва хуносалар билан тақдим қилишади;

- бажарилган даврий тиббий кўрик учун якуний тўлов бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун ичida амалга оширилади, белгиланган тартибда ва ҳисбоварақ-фактурага мувофиқ расмийлаптирилади. Бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан имзолангандан кейин кўрсатилган ҳисболанади;

- бажариладиган даврий тиббий кўриклар таркиби ва муддати ҳудудий санитар-эпидемиологик ободонлаптириш маркази ва “Олмалиқ КМК” АЖ маъмурияти ўртасида келишилган ва тасдиқланган календар жадвалга мувофиқ белгиланади;

-бажарилган ишларни қабул қилиш, даврий тиббий кўрикларнинг бориши ва уларнинг натижаларини баҳолани, тасдиқланган календар жадвал бўйича режалаптирилган даврий тиббий кўриклар бўйича “Бажарувчи” нинг “Буюртмачи” га берган якуний ва босқичли ҳисботларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Бажарилган ишлар ёки хизматлар тугаллангандан ва етказиб берилгандан кейин техник ва бошқа ҳужжатларни “Буюртмачи” га тошириши талаби:

“Бажарувчи” томонидан бажарилган ишлар, ҳар ойда, “Бажарувчи” ва ”Буюртмачи” томонидан имзоланган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисбоварақ-фактуралари билан расмийлаптирилади.

11. Бажарилган ишлар ва кўрсатилган тиббий хизматлар натижасига кўра, “Буюртмачи” мутахассислари томонидан “Бажарувчи” маъсул ходимларини техник ўқитиши бўйича талаблар:

Талаб қилинмайди.

12. Бажарилган ишлар ва тиббий хизматлар ҳажми бажарилишининг кафолатланишига бўлган талаблар:

«Бажарувчи» тасдиқланган календар жадвал ва иш графигига мувофиқ тиббий хизматлар (даврий тиббий кўрикларини) ҳажмини кафолатлаши шарт.

13. Бажарилган ишлар ва тиббий хизматлар учун кафолатлари муддатини кўрсатиш талаби:

Талаб қилинмайди.

14. “Бажарувчи” нинг тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича мажбуриятларини бажарини муносабати билан юзага келган интелектуал мулк объектларига бўлган мутлақ хуқуqlarini “Буюртмачи” га ўтказиш шартларини белгилайдиган муаллифлик хуқуки:

Талаб қилинмайди.

15. “Буюртмачининг ихтиёрига кўра бажариладиган ишлар, тиббий хизматлар ва уларни кўреатиш шартларига қўйиладиган бошқа талаблар:
Талаб қилинмайди.

16. Томонларининг жавобгарлиги:

Томонлар ўртасида тузилган шартнома шартларини бажармаганлик ёки тўлик даражада бажармаганлик учун Томонлар «Тадбиркорлик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилига мувофиқ жавобгар бўладилар.

17. “Олмалиқ КМК” АЖ ташкилотлари ишчи-ходимларини дастлабки ва даврий тиббий кўрикларини ўтказиш бўйича шартнома тузиш учун “Бажарувчи” ларни ташлаш асослари:

“Олмалиқ КМК” АЖ, умумий ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган согломлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида, комбинат ташкилотлари ишчи-ходимларини даврий тиббий кўрикдан ўтказиш масаласида ҳудудий даволаш профилактик муассасалари билан тегишли шартномалар тузади.

Бу хизматларни мустақил амалга ошириш учун “Олмалиқ КМК” АЖ етарли даражадаги имкониятларга эга эмас. Чунки, комбинатнинг ишчи-ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш профилактика ишларини олиб борувчи лицензияга (рухсатномага) эга тиббий санитар кисми (саноат корхоналарига тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш профилактик муассасаси) мавжуд эмас.

Ишлаб чиқилди:


ММ ва СХ бўлими ММ мухандиси-санитар шифокори



Кенжав С. М.

Келинилди:


Бош мухандис ММ ва СХ бўйича ўринбосари в.б



Абдуллаев И.И.

Тиббий хизмат бошлиги

Тухтабоев А.Э.



**Техник топширикдаги қисқартирилган сўзларниң
кенгайтирилган кўринишдаги рўйхати**

№	Қисқартирилган сўзлар	Кенгайтирилган кўринини
1	“Олмалиқ КМК” АЖ	“Олмалиқ кон металлургия комбинати” акционер жамияти
2	УТТ аппарати	Ультратовуши текшириш аппарати
3	ЭКГ аппарати	Электрокардиография аппарати
4	Худудий СЭОМ	Худудий санитар-эпидемиология ободонлантириш маркази
5	Корхона ММ ва ТХ бўлими бошлиғи	Корхона меҳнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги бошлиғи
6	ЎЗР ССВ буйруги	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Саклаш Вазирининг буйруги
7	ШИНК	Шахарсозлик нормалари ва коидалари
8	ТХ	Техника ҳавфсизлиги
9	НМ ва ҚҚ ИЧБ ИИЧБ	Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

ММ ва СХ бўлими ММ мухандиси-санитар шифокори

Кенжав С. М.

Техник төслийнрийк I-шоловалы

2022-ийн даврийн түрүүлэгийн календар резкааси

Жумлаадан

н/р	Комбинат корхоналари номжилши	Умумий ишчилар сони	Жумлаадан											
			январ б.	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябр б.	октябрь	ноябрь	декабрь
1	НМ за КК ИЧБ ИЧБ +ТНХ (Нодир металлар за катник котижмалар ишлэб чикарил бүйича илмий ишлэб чикарил бирлашмаси + техник назорат хизмати)	679												
2	АТБ 1-автобазаси-7- автоколоннааси	35												
3	ИХХХ (Идоравий харбийлаштирилган күриклэц хизмати)	90												
4	МАЛ (Марказий аналитик лаборатория)	23												
5	НМ за КК ИЧБ ИЧБ декр.контингенти	29												
6	НМ за КК ИЧБ ИЧБ декр.контингенти	29												
7	Жами:	856												

Кенжав С. М

ММ ва СХ бүлгими ММ мухандиси-санитар шифокори

